

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2023-yil 24-fevral / № 7 (4718)

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар ҳаёти ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш, янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлиб қайтди.

БУХОРОДА УМИД ГУЛЛАДИ

Илк манзил — табаррук зиёратгоҳ

Халқимизда савобли амаллар, хайрли саъй-ҳаракатлар аввалида табаррук даргоҳларни зиёрат қилиш, ўтганлар руҳини ёд этиш, уларга эҳтиром кўрсатиш эзгу анъанага айланган.

Президент ташири, анъанага мувофиқ, Баҳоуддин Нақшбанд макбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Бу ерда Қуръон тиловат қилиниб, Яратгандан юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилди.

— Ҳамма жойларга бориб, соҳаларга туртки бериб, муаммоларни ҳал этиб, халқни рози қилишга ҳаракат қилаемиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун Бухорога ҳам янги марраларни белгилаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун келдик. Ҳамма хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Мажмуада олимлар иштирокида кечган суҳбат асосида бухоролик алломалар, хусусан, Етти пир зиёратгоҳларини обод қилиш, улар таълимотини кенг тарғиб этиш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, бу борадаги навбатдаги вазифалар белгиланди. Айниқса, диний таълимни ривожлантириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги таъкидланди.

— Охириги йилларда ҳамма соҳалар қатори дин бўйича ҳам очкилик, эркинлик берилди, бир неча илмий марказлар ташкил этдик. Лекин булардан халқимизга нима манфаат бўляпти? Манфаат шундай бўлиши керакки, бу салоҳиятни жамиятга етказиш керак. Бухорий, Мотуридий, Марғиновий каби буюк болларимиз меросига таянган ҳолда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарур. Бунинг учун диний таълимни амалиёт билан боғлаш, илмий марказларимизни дунёда етакчиларга ай-

лантириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

“Работикалмоқ” — Янги Ўзбекистон маҳалласи

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида “Маданият” жамоа ҳўжалигининг номи нафақат мамлакат, балки кўшни республикаларда ҳам анча машҳур эди. Пиллачилик, пахтачилик, паррандачилик, сабзавот-полид маҳсулотлари етиштириш каби қатор соҳаларда мазкур ҳўжалик забот этган марралар ўз даврида кўплаб ҳўжаликларга намуна қилиб кўрсатилгани ҳам кўпчиликка маълум. Бироқ сўнгги ўн йилликларда жамоа ҳўжаликларининг тугатилгани, фермерлик ҳаракатини маълум ўзганга тушириш қийин кечгани оқибатида “Маданият”нинг қиёфасига жиддий пугур етди. Жумладан, ҳўжалик маркази ҳисобланган “Работикалмоқ”

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам қатор соҳаларда нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди, аҳоли турмуш шароити қийинлашиб, муаммолар гирдобига қолди.

Сўнгги икки йилда амалга оширилган ислохотлар, айниқса, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий объектлар фаолиятини замон талабларига мослаштириш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш билан боғлиқ ишлар работикалмоқчиликлар ҳаётини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

10 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган мазкур ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини биноси “Янги Ўзбекистон”нинг “Янги маҳалла”си сифатида қайта таъмирланди. Маҳалла биносида ҳудуднинг ўзига хос анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини ўрганиш, тарғиб этиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба нодавлат музей ташкил этилди. Шунингдек, ота-оналарнинг талаб ва истақларига биноан, бу ерда халққаро талабларга мос жиҳозланган шахмат тўғраги хонаси ва мингдан зиёд китоб фондига эга мўъжаз кутубхона ташкил этилди.

1 март — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия тўғилган кун



ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон халқ шоири

ШИНЛА, БУЛБУЛ

Булбул сайрар, ирмоқ куйлар, ўйнар ел,
Ҳамма ёққа нур тўлганга ўхшайди.
Ширин куйга тўлиб кетди маъсум дил,
Севги унга ёр бўлганга ўхшайди.

— Тўхта, булбул, мен куйлайин, жон булбул,
Сен тинглагин қалбимдаги торимни.
Баҳор десам, рашк қилмасин чаман гул,
Юрагимга кириб олган ёримни.

Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,
Эрка дилнинг тўлқинига қулоқ сол.
Сен бийронсан, лекин менинг куйимни
Кўрки бўлган садокатдан сабоқ ол...



Муносабат

Давр шиддатига монанд илм-фан ва техника ривожини ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида қисқа фурсатларда намўён бўлмоқда. Замонавий қулайликлар ва янгиликлар соат сайин кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда.

МИЛЛАТНИ ЗИЁЛИ ОНАЛАР ТАРБИЯЛАЙДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Пахтакор туманидаги “Пахтакор элита уруғчилиги” фермер ҳўжалигида бўлди. Давлат раҳбари ўтган йили октябрда Сирдарё вилоятида бўлганида дала четларидаги ерлардан самарали фойдаланиш, фермер ва ишчиларга қулайлик яратиш учун дала уйлари қуриш зарурлигини айтган эди. Ўшанда таъкидлан-

ганидек, “Пахтакор элита уруғчилиги” фермер ҳўжалигининг далалари четига тут, узум, полиз ва дуккакли маҳсулотлар экилган, асалари уйлари қўйилган. Қатор экилган тераклар бўлгуси иморатлардан сўзлаётгандек, кўкка бўй чўзган. Енгил конструкциялардан қурилган дала уйида барча қулайликлар мавжуд. Уй томида куёш панеллари ўрнатилган. Президентимиз дала уйини кўздан кечириб, фермер оиласи билан суҳбатлашди.

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

ЎЗБЕКИСТОН МИСРЛИК ЁЗУВЧИ НИГОҲИДА

Кўҳна Миср халқи билан туркий халқлар ўртасида азалдан дўстона алоқалар бўлган. Бу борада адабий алоқалар алоҳида аҳамият касб этади. Мисрлик кўплаб ёзувчилар туркий халқларнинг тарихи ва бугуни билан қизиққан, уларни бадиий асарларида акс эттирган. Жўржи Зайдоннинг “Фарғона келини” романи, Абдурахмон ал-Хамисийнинг “Тошкент” шеъри, Жамол ал-Ғитонийнинг “Муҳаббат ва шавқ номаси” романи, “Мўғул” ҳикояси сингари асарларда Марказий Осиё халқлари тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Мисрнинг машҳур ёзувчиларидан бири Жамол ал-Ғитоний (1945–2015) тарихий мавзуларда қалам тебратган. Адибнинг Марказий Осиё халқларига доир роман ва ҳикояларида тарихий мавзуга мурожаат қилган. У ўтмишни ҳозирги кун билан боғлайди, бугунги муаммолар сабабини ўтмишдан топишга ҳаракат қилади. Ёзувчининг йигирмага яқин ҳикояси, жумладан, “Мўғул” ҳикояси Марказий Осиё халқлари тарихига, хусусан, мўғуллар босқини оқибатларига тасвирига бағишланган. Мисрлик мазкур ҳикоясида Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар мамлакатини, дарвоза шаҳар бўлган Ўтторнинг қамал қилиниши ва, ниҳоят, шаҳарнинг бутунлай вайрон бўлиши тасвирланган.

Ҳикоя бош қаҳрамони Исмомл исмли ёш йигит. Ёзувчи тарихий воқеаларни, Ўттор қамалини мана шу қаҳрамон бошидан кечирган воқеалари асосида акс эттирган.

Алмаз УЛВИ, филология фанлари доктори

Адабий жараён

ШЕЪР — КЎНГИЛ ТУҒЁНИ

Қўлимдаги ўзбек қизи Зилола Хўжаниёзова қаламига мансуб китоб қўлёзмаси (таржимон Раҳмат Бобожон) бетақроп табиат манзаралари, шукроналик, ота-онага меҳр, қувонч ва қадар туйғулари, болалик ва ёшлик завқи, туннинг зулматию куннинг ёрқин нури билан лиммо-лим; ҳазин қўшиқлар — хандон қулги, соғинч азоби, дийдор умиди, мухтасар қилиб айтганда, инсон ҳаётини безаб турган барча нақшлар, жим-жималар мазкур китобда ўз тажассумини топган.

Кўшнинг нуридан, тонг нафасидан
Қўлида бир даста гули бор эди.
Кўнглим куш бўлди-ю, чикди қафасдан,
Атроф ҳазон фасли, дил баҳор эди.

Лирик, шеърый сурат! Куёш нуридан, тонгги шудриндан гулдаста. Табиатнинг боқира лаҳзасидан бир кучок шеър гулчамбарини тўкиш, кузда баҳор ифорини, баҳор тотини сезмоқ — бу қалб кечинмасидир! Булар шоир кўнглини муҳаббатга чуллаган туйғулар. Бундай туйғулар тўсатдан “лирик ўзлик”нинг эшигини қокқан, “Юрак зулфини қоқиб, кириб келди Бахт” деб тасвирланаётган тақдир насобасини ҳис этмакдир. Шоира ҳис-туйғуларини жозибали оҳангга қофияга солади, бетақроп манзаралар чизади.

Ўзбекистонга сафарим доирасида икки марта Дўрмонда — Ёзувчилар ижод уйида бўлганман. Бу ер гўзал табиати, майин ҳавоси, тўйимли суви билан, сўзининг том маъносидан, ижодкор инсон руҳини эркалайдиган маскан. Дилкаш наволи, хушманзара бог шоир илҳомига “Менга бир шеър ёзсанг-чи”, дея пичирлайди. Бундай жойда шеър ёзмай бўладими?! Дўрмон боғи ҳақидаги шеърларини ўқир экансиз, худди мусика таралаётгандек бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг қардош халқлар, жумладан, Тожикистон билан турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Маданият ва санъат, хусусан, театр соҳасидаги ҳамкорлик бу борада етакчи йўналишлардан бири, десак муболага бўлмайди. Зеро, бу ҳамкорлик ришталарининг бир учи олис ва бой тарихимизга бориб тақалади. Биз қуйида икки халқнинг театр санъати ривожига муҳим из қолдирган, тожик профессионал театрининг асосчиси Ҳомид Махмудовнинг ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ришталарининг боғланиши ҳамда мустаҳкамланишига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталишни лозим топдик.

ЗАМОН ФАРЗАНДИ

Маълумки, 1924 — 1927-йилларда Москвада ташкил этилган ўзбек маърифат институти қошидаги давлат драма студиясида Ўзбекистон ва Тожикистон миллий театрларининг бўлажак актёр ва режиссёрлари Сора Эшонтўраева, Маннон Уйғур, Ҳомид Махмудов, Фатхулло Умаров, Абдор Ҳидоятлов ва бошқалар таълим олишган. Ҳ.Махмудов бу даврда йирик театр арбобларидан сахна сирларидан сабоқ олиш билан бирга, Сергей Есенин поэзиясидан баҳраманд бўлди. Файзулла Хўжаев, Йўлдуз Охунбобоев каби давлат арбоблари, шоир Абдулқосим Лоҳутий билан танишуви унда катта таассурот қолдирди. Хуллас, ўқиш даврида театр санъати

ва унинг йирик намоёндалари билан яқиндан танишди, шахс ва ижодкор сифатида ҳар томонлама шаклланди. 1927 йили ўқишни муваффақиятли тугатган ёш санъаткор ҳамкурслари билан Ўзбекистонга қайтиб, ўзбек театрида иш бошлади. Ўзбек драматик театри таркибида дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда фаолият кўрсатади. 1927 — 1929-йилларда Ҳ.Махмудов режиссёр, бадиий раҳбар, театр маъмури бўлиб ишлади, спектаклларда актёр сифатида бир қатор ролларни ижро этди. Маннон Уйғур Ғуллом Зафарий пьесаси асосида қўйган “Ҳалима” спектаклида режиссёр ассистенти сифатида фаолият кўрсатди.

САБР-БАРДОШНИНГ ОВОЗИ

Яна баҳор келди. Яна радио тўлқинлари, телевизор экранларида “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри бот-бот ўқилмоқда. “Новдаларни безаб гўнчалар” ашуласи янграётир. Шеър сағрлари, ашула оҳанглари билан кўз ўнгимизда устоз Зулфияхонимнинг нузли чехраси намўён бўлади. Яна дилда хотиралар уйғона бошлайди.

Ўйлаб қарасам, устоз ҳақида кўп хотиралар ёзган эканман. Лекин аксарият хотираларим у кишининг шахсияти билан боғлиқ экан. Бир жихатдан қараганда, бу — табиий ҳолат: марказий матбуотда бирорта шеърый туркумнинг эълон қилинмасдан аввал Зулфияхоним билан танишганман. Бир жамоада узоқ вақт бирга ишламаган бўлсак-да, кўп бор суҳбат қурганмиз. Пойтахтнинг Чимкент кўчасидаги уйларида, ўша Ҳамид Олимжондан ёдгор — Композиторлар кўчасидаги шинамгина хонадонларида узоқ-яқиндан келган меҳмонлар даврасида гоҳ ёнма-ён, гоҳ юзма-юз ўтирганмиз. Бирга китобларини нашрга тайёрлаган-

Анвар НАМОЗОВ

Тўра бобо телевизорда кўрсатилаётган киши олимпиадага тикилиб ўтириб, фель-айниди-қолди. У урчиқ йиғираётган кампирга ўтирилди:

– Тур жойингдан. Менга анови гилдиракларни топиб бер!

– Нимани? – сўради Ҳалима буви. – Қанақа гилдирак? Жимгина ўтирсангиз бўлмайдимми, чол?

– Набираларнинг гилдираклари бўларди, эсингдами? Тур!

Кампир телевизорга назар ташлади-ю, тушунди: экранда бир йиғит билан киз муз устида чирпирак бўлиб айланганча қонки учирарди. У чолига ёвқараш килди-да, ишини давом эттириверди.

– Тур, дедим сенга! – дўк урди Тўра бобо.

– Эй, чол, – бобиллаб берди Ҳалима буви, – қариганда эсингизни еб қўйибсиз. Жимгина ўтиринг, дедим сизга. Гилдиракка бало борми.

– Менга кара, кампир, – деди Тўра бобо, – ҳозир Пўлатжон билан келин йўқ, неваралар мактабда. Икковимиз би-и-р пигурния катания қилайлик.

Бу гап баҳона бўлиб, кампирнинг бирам жағи очилди-ей! Чолини тентакдан олиб, тентакка солди. Тўра бобого қолса, кампирини бир туртиб овозини ўчирарди-ю, аммо олдинги кучи йўқ. Кампир билди, шу боис оғзига келганини қайтармайд.

– Тавба, тўри йўлда юролмай қолгану, пигурния қилармиш. Одам ёмон қариса, кўрқулик экан-да, а? Бўлмаса, тушпа-тузук нос чекиб ўтирган чол айнийдими? Бу тил-бизирда хар балони кўрсатаверади. Пигурнияга бало борми?

– Менга кара, сен кўркма, – деди Тўра бобо, ўзини дадил кўрсатиб. – Мен кўлингдан маҳкам ушлайман. Ҳовлида уч марта учамиз, вассалом.

– Хой, мен хали сизга ўхшаб тентак бўлганим йўқ. Тавба, кўни-кўшни девордан кўриб қолса, нима дейди? Бу чол жинни бўп қопти, демайдими? Қип-қизил жиннилик-ку!



Чол кампирини томонга хезланди:

– Э, тилингни... – Яқинлашманг! Мана шу урчуқ билан пешонангизга битта ураман, бошингиз қоқ иккига бўлинади, – деди кампир ваҳожат билан.

Тўра бобо орқага тиеланди-ю, деразадан ташқарига қаради.

– Ҳеч бўлмаса, гилдиракларни топиб бер!

– Сизга керакми? Ўзингиз топинг!

Тўра бобо нима қиларини билмай, телевизорга тикилди. Муз устидаги йиғит билан киз томошасини тугатиб, таъзим

килишарди. Кейин бошқа йиғит чиқди. Жуда мохир экан. Муз устида тугилган-ов! Қонкида роса учиб, шартта тўхтади. Бошини оёғига теккизди-да, жойида йиғирма беш марталар айланди. Кейин яна қаддини ростлаб, муз узра учиб кетди.

Чол багтар энтикди. Учишни бир умр орзу қилган, ахир! Қонкида бўлмасаям, гилдиракда учига нима етсин! Маза!

Битта-битталаб кадам ташламайсан. Ўзи “зув” этказиб ҳожатхонага элтиб қўйиб, кейин қайтариб олиб келади. Агар қор эриб кетмаганида, чол ҳовлига чиқиб, қалишда бўлсам муз йўлакда учарди.

Тўра бобо хассасини дўқиллатиб, ҳовлига чиқди. Ошхона, сўнг молхонадан гилдиракли пойфалларни роса кидирди. Тополмади. Неваралари келишини кутиб, улардан секин сўраб олишни ўйлади, бироқ уялди. Учадиган бўлса, улар йўғида учгани маъқул.

Ниҳоят, роликлар топилди. Боллохонада экан. Чол уларни авайлабгина олиб тушиб, оёқларига маҳкам боғлади. Кейин ўрнидан турмоқчи эди, мадори етмади. “Кампи-и-и-р”, деб чақирган эди, ичкаридан “у-у-у-л” деган товуш келди. Тўра бобо хассасига таяниб, зўрга қаддини ростлади. Кейин оёқларини секин ҳаракатланганди. Қутилмаганда ўнг оёғи олдинга кетиб қолди. Чотида нимадир “қирс” этгандек бўлди. “Ўлдим, – деб ўйлади Тўра бобо, – аммо кампирга сездирмаслигим керак”. Ҳартугул Тўра бобо хассасини ерга маҳкам тираб, фалокатни бартараф этган эди. Кейин чап оёғи силжиб кетди. Яна нимадир “қирс” этди. “Энди тўчна

ўлдим”, – кўркиб кетди Тўра бобо. Мувозаанати ушлаб қолди. Телевизордаги бояғи йиғитга ўхшаб секин одимлаган эди, илдам к-е-е-е-тди. “Мен учяпман, – қийқирди чол орқини ҳам унутиб. – Керак бўлса, девордан ошиб ўтаман!”

Тўра бобо ўз кучига ишондимми, хассасини ён томонга улоқтирди. Кейин эса учишда давом этар экан, туйқус кўркиб кетди: қандай қилиб тўхтатди? Шундан сўнг бақиршига ҳам улгурмай, тўппа-тўғри сомонхонага кириб кетди...

Ҳалима буви анчадан сўнг ҳовлига чиқди. Чолини излаб, дарвоза томонга юрди. Бир чеккада ётган хассага кўзи тушди. Аввал ён-атрофга, сўнг омонга қаради: “Чол қурмагур учаман, девди, ростдан ҳам учдимикан?..”

Сомон уюмига кириб кетган Тўра бобо эса миқ этолмас, овози ҳам чиқмасди. “Ишқилиб молга сомон бераман, деб орқамга паншахани тикиб олишмасин”, дея кўрқарди у...

Кечқурун дастурхон бошида Пўлатжон билан хотини ўзларини кулгидан зўрга тутиб ўтиришарди. Телевизорда чанғида учиб муСОБАКАСИ кўрсатиларди. Жажжи Талъатжон пульгни кўлига олиб, бошқа каналга ўтказмоқчи бўлди.

– Тегма, шунда турсин, – деди Тўра бобо. – Учишини қара!

Ҳалима буви бобиллаб юборди-я:

– Ҳа, тегма, шунда турсин! Бобонг олимпиада кўриши керак. Бобонг учини керак! Кундузи учгани етмади-да! Янаям банд умқочки, ха! Бобонг самалўт бўлмоқчи!”

Тўра бобо кампирга тумтайиб қаради. Пўлатжон эса чидай олмай қулаверганидан ёнбошига ағдарилиб тушган эди.

Болалар бекати



Ошхонадан келар овоз, Борсам турар укам шоввоз, Идишларни қилиб тоза, Юваятти қошиқ, тоза.

–Не қиляпсан, укажоним, Айтгин-чи, сен зўр, чакқоним? Сўрасам, дер уйиб қовок: – Чўмилиятти идиш-товок.

– Бир кунда юзу қўлинг Шунча тез семирдингми? Ёки бирор сеҳргар Мўъжизаси сирлими?

– Нима еб, нима ичдинг, Ростини айт-чи, қани? Қошки мен ҳам сен каби Семира қолсам, Ғани.

–Кўп ҳавас қилма, дўстим, Менинг семирганимга. Билсайдинг, ниш санчилди Кўл-оёғу танимга.

Укам билан кеча биз Ўйинга роса тўйдик. Билмасдан ариларнинг Ғашига тегиб қўйдик...

Умид билан яшамокка Ўргатади бу ҳаёт. Интиламан юксакларга, Қўллайдим мени сабот.

Балоғатнинг бекатида Дилимда кўп орзулар. Мақсад сари ундар мудом Жўшиб турган туйғулар.

Сўқмоқларда синовлар кўп, Омад бўлар менга ёр. Шўнғиб илм денгизига, Дур, гавхарлар топгум бор.

Ҳар қандай рақибни ҳам Қурашларда йиқаман. Ҳатто юксак чўққиларга Насиб қилса чиқаман.

Ҳақнинг жавоби Нимагадир тинч ҳамма ёқ, Кўринмайди укам Ўроқ, На ҳовлида, на уйда бор, Қайда экан, ахир, шунқор?

Эъзоза АЛИМОВА

ТАБИАТ МУЗЕЙИГА САЁҲАТ

Республикамизнинг деярли барча мактабларида турли тўғараклар мунтазам ишлаб келмоқда. Бу шубҳасиз, юртимиз келажаги бўлмиш фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишларида муҳим аҳамият касб этади. Тошкент шаҳар Яшнабод туманидаги 230-мактаб ўқувчиси Абдуллоҳ Раҳимжонов бу ҳақда шундай деди:



– Мактабимизда ташкил қилинган “Ёш қаламкаш” тўғараги аъзосиман. Тўғарак раҳбаримиз ҳафталик пайшанба ва шанба кунлари турли мавзуларда машғулотлар олиб боради. Ижод намуналаримизнинг турли босма нашр-

ларда, интернет сайтларида эълон қилинаётгани бизга илҳом бағишлайди.

Яқинда Чорсу бозорининг шундоққина биқинида жойлашган Ўзбекистон табиат музейида бўлиб қайтдик. Айтишларича, бу маскан 1876 йилнинг июль ойида очилган экан. Шундан буён у уч марта ўз жойини ўзгартирган.

Музейнинг еттига залини айлиниб чиқдик. Заллар бўйлаб мамлакатимиз хайвонот олами турлари витриналарга қўйиб чиқилган. Хайвонларнинг қотирилган, яъни тулум шаклини кўрганга, тўғриси, тирик жонзотга дуч келгандек, чўчиб кетдик. Бизни хайратга солгани икки бошли кўзичоқ ва бузоқ бўлди. Бундан ташқари, йўлбарс, тўнғиз, товус, ўрдак, ғоз, бургут, қабутари каби йиртқич турлар, парранда ва қушларни кўрганда, гўёки дала шароитига тушиб қолгандек бўлдик.

Музей мутахассислари бизга Ўзбекистоннинг “Қизил китоби”ни кўрсатишди. Биз ушбу китобга музей экспонати сифатида сақланаётган ноёб турлар киритилганини билиб олдик. Хулоса шуки, бундай масканларга тез-тез келиб туришимиз керак. Чунки кўрганларимиз умумий тасаввуримизни тиниклаштирар экан.

Шахноза БОТИРОВА

ҚОИДА ИЛК ФОЙДАДИР

Огоҳлик

Бино, иншоотларнинг хавфсизлиги қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларга қатъий амал қилиш орқали таъминланади. Шу боис барча ходимлар техника қоидаларига мос махсус кийимбошлар билан таъминланиши ва пайвандлаш ишлари махсус гувоҳномага эга мутахассислар томонидан бажарилиши лозим.

Қурилиш майдонларини ёнғинга қарши қалқон, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш ҳам биринчи навбатда амалга ошириладиган чоралар сирасига киаради. Ишчилар хонасида носоз электр тармоқларидан ва настандарт электр иситиш мосламаларидан фойдаланмасликлари жоиз. Газ баллонлар махсус омборхонада ёки қуёш нури тушмайдиган бостирмада тик ҳолатда сақланиши шарт. Улар махсус катлақлар ёки уяларга ўрнатилди ва қамар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади. Кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чораларини кўриш зарур.

Шунингдек, ҳар бир бинокор, қурувчи, муҳандис мутахассислик талабларини пухта ўзлаштириб, қурилиш жараёнида ёнғинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши даркор.

С.ХУРРАМОВ, Олмазор тумани ФВБ НТБ бошлиғи, капитан

УЧРАШУВ

Олмазор тумани Фавкулда вазиятлар бўлими шахсий таркиби билан “Устоз ва шогирд” мавзусида учрашув ўтказилди. Унда раҳбар ва ходимлар ўртасидаги самимий муносабат, муштарак мақсад, вазифаларнинг ҳамжиҳатликда бажарилиши хусусида сўз борди.

– Раҳбарлик бу шунчаки одамларни бошқариш, маслаҳат бериш, қузатиш, йўналтириш, кўрсатма беришдан иборат эмас, – деди Олмазор тумани Фавкулдада

вазиятлар бўлими бошлиғи Ш.Ибрагимов. – Тўғри, одатий ҳолларда бу мумкин. Аммо фавкулдада ҳолатларда раҳбардаги ғамхўрлик, ташаббускорлик, қатъият, талабчанлик, мустақил ҳаракат қилиш ва ходимлар билан маслаҳатлаша билиш қобилияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Учрашувда раҳбар шахсидаги ижобий хусусиятлар жамоада устоз-шогирдлик аъналарини ривожлантириб, соғлом муҳит шаклланишида муҳим омил бўлиши алоҳида таъкидланди.

А.МУҲАММАДЖОНОВ, Олмазор тумани ФВБ инспектори, катта лейтенант

Advertisement for 'O'zbekiston adabiyoti va san'ati' magazine, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Mussis: Uzbekiston' magazine, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Juma Kunlari Chikadi' magazine, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Urush va tinchlik' magazine, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Kadimiy tillar gacha...' magazine, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Tolstoy' magazine, including contact information and a QR code.